

## СИНОНИМЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

**Ф.Анварова**  
ФарДУ талабаси

### АННОТАЦИЯ

*Нутқимизни бойитишга хизмат қилувчи манбалардан бири синонимлардир. Мақолада синонимларнинг тилда қандай кўринишда учраши ёритилади.*

**Таянч сўз ва иборалар:** Синонимлар, лугавий синонимлар, грамматик синонимия, градация, мақолларда синонимлик.

### АННОТАЦИЯ

*Одним из источников, обогащающих нашу речь, являются синонимы. В статье объясняется, как появляются синонимы в языке.*

**Ключевые слова и фразы:** Синонимы, лексические синонимы, грамматические синонимы, градации, синонимы в пословицах.

### ABSTRACT

*One of the sources for enriching our speech is synonyms. The article explains how synonyms appear in the language.*

**Keywords and expressions:** Synonyms, lexical synonyms, grammatical synonymy, gradation, synonymy in proverbs.

### КИРИШ

Бизга аниқки дунё тилшунослигида сўзнинг нафақат семантикаси, балки сўз ва муайян субъект нутқи ўртасидаги боғлиқлик, унинг прагматик мазмуни, баҳолаш муносабати, миллий-маданий жиҳатларига асосий эътибор қаратилди. Натижада тил ва тафаккур, сўз маъноси, семик муносабатлар муаммоларини концептлаштириш орқали билимнинг турли структураларини шакллантириш ва уларни тилда намоён қилишга кенг имкониятлар яратилди. Тил воситаларидан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда синонимларни миллий тил характеридан келиб чиқиб, илмий текширишни кун тартибига қўймоқда. Синоним лексемалар ўртасидаги семантик ҳамда прагматик муносабатларни тадқиқ этиш бугунги тилшуносликнинг долзарб масалалардан бири саналади. Шу ўринда нутқимизни янада аниқроқ қилиши ҳамда ранг-барангликни таъминлаши билан синонимлар алоҳида аҳамиятга эга.

### МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Синонимлар (юнонча-бир умумий маънога эга, бир номли)-маъно ва мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган сўзлар ҳисобланади, масалан, гўзал,

чиройли, мафтункор, кўркам ва ҳ.к. Синонимларда икки ва ундан ортиқ ўзаро маъно муносабат мавжуд бўлади.

Ёки, синонимларга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: Тил бирликларининг (сўзлар, иборалар ва бошқалар) бир хил денотатив маънога эга бўлиши асосидаги гуруҳланиши синонимия дейилади .

Таърифдан хулоса қиладиган бўлсак, маълум бир сўзларнинг ўзаро умумий бир хил маънони ўзида намоён этадиган сўзларни-маънодош сўзлар яъни синонимлар деб аташимиз мумкин экан.

Синонимлар ва улардан фойдаланишга эътибор узоқ даврлардан бошланган. Ўз даврида буюк мутафаккир ва шоир, тилшунос ва адабиётшунос олим Алишер Навоий “Муҳокаматул-луғатайн” асарида синоним сўзларнинг нутқни бойитишдаги ролини чуқур таҳлил қилиб берган эди. Ўзбек тилшунослигида фразеологик синонимларнинг турли хусусиятларини ўрганишга эътибор XX асрда анча кучайганлиги кузатилади.

Рус тилшунослигида XX асрда синонимия ҳодисаси бўйича қилинган ишлар кўлами жаҳон тилшунослигида қилинган ишларга нисбатан ҳам салмоқли эканлиги маълум. Бу борада алоҳида илмий тўпламлар, жиддий тадқиқотлар, монографиялар вужудга келди. XX асрнинг етмишинчи йилларида Е.Болғанбоевнинг “Қазақ тилиндеги синонимдер” (Алмати, 1970) монографияси юзага келган. Ўзбек тилшунослигида академик А.Ҳожиев тўғри таъкидлаганидек, бу ҳодисага бағишланган (луғавий синонимлар кўзда тутилади) махсус монография яратилмаган эди. Албатта, аффиксиал ва синтактик синонимияга оид монографиялар яратилганлиги эътиборлидир.

Жаҳон тилшунослигида лексик синонимларнинг лисоний хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги: лексик синонимларнинг нутқий воқеланишида ёндош сатҳларнинг таъсирини аниқлаш; лексик синонимларнинг семантик ва лингвопрагматик хусусиятларини очиб бериш; лексик синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабатини тадқиқ этиш; Миллий корпусда лексик синонимларни ўрганиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Синонимларнинг қўлланилиши тилнинг нақадар бойлигини кўрсатибгина қолмай, балки такророланишлардан ҳам ҳимоя вазифасини ҳам бажаради. Синонимларни ҳам гуруҳлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1.Луғавий синонимлар. Бунда лексик ҳамда фразеологик бирликларнинг ўзаро уч хилсинонимик муносабатлари кўзда тутилади.

-лексик синонимия;

-фразеологик синонимия;  
-лексик-фразеологик синонимия

2.Грамматик синонимия. Бу шуниси билан синонимия соҳасида аҳамиятлики, бунда ўзаро синонимик муносабатга Грамматик бирликлар киришади. Яъни кўшимчалар, сўз бирикмалари ва бошқалар.

-морфологик синонимия;  
-синтактик синонимия.

Бундан келиб чиқиб ўзбек, инглиз ва немис тилларини мисол келтиришимиз мумкин, яъни айнан ушбу тилларда энг кўп учрайдиган синонимлар –бу лексик синонимлар ҳисобланади;

**Бу ҳолатни ўзбек тилида ҳам кузатишимиз мумкин:**

Чирой-гўзаллик, ҳусн, кўрк,латофат

Осмон-кўк, само, фазо, коинот

Одам-инсон, шахс,киши,индивид

**Инглиз тилида отлардаги синонимлар:**

Appreciation-gratitudi,thankfulness, gratefulness

Baby-infant, neonate, newborn,child

Reality-actuality, truth, certainty.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар доим ҳам синонимлар бемалол бир-бирининг ўрнида қўлланила олмайди, чунки гапдаги маъно ўзгариб кетиши мумкин. Аммо, айнан юқоридаги фикрга номувофиқ равишда контекстдан синонимларни ҳосил қилиш мумкин. Яъни гапда келган маълум бир сўзлар айнан ўша гапда маълум бир маънодошлик ҳосил қилади, гарчи контекстдан ташқарида уларда умуман маъно яқинлиги бўлмаса-да.

Нега керак эди, шу ўт, шу чирой,

Шу ёниқ юлдузни кўкга яширмоқ

(Ҳамид Олимжон, Офелиянинг ўлими)

Бир умумий маъно ифодаловчи сўз ёки кўшимчаларга синонимлар дейилади. Ўзаро синонимик муносабатда бўлган сўз ва кўшимчаларга синонимлар дейилади. Ўзаро синонимик муносабатда бўлган сўз ва кўшимчалар синонимлар уяси ёки синонимлар қатори дейилади.[5].

Бундан ташқари, синонимларда градатсия (даражаланиш) ҳолати ҳам кузатилади. Яъни улар салбий, ижобий ва нейтрал ёки доминант бўёқдорлигига кўра таснифланади. Масалан, юз, чехра, ораз, бет, турк, башара деган синонимлари қаторидан юз сўзи доминант сўз ҳисобланса, турк, башара каби

сўзлар салбий бўёққа эга ҳисобланади. Ораз, чеҳра сўзлари эса ижобий сайқалга хизмат қилади.

**Мақолларда синонимлик.** Нутқ давомийлигини таъминлаш, уни қизиқарли ва ранг-баранг қилиш мақсадида синонимлардан фойдаланиш бу энг қулай йўллиги юқорида эслатиб ўтилди. Бундан ташқари, гапда мақол ва ибораларнинг кўплаб қўлланилиши эса унинг жозибасини ва таъсирчанлигини оширади. Синонимия тил бирликлари орасидаги семантик микросистемалардан бири бўлиб, мақоллар орасида ҳам кўп миқдорни ташкил этади. Икки мақолни синоним дейиш учун улар айна бир маънони англатиши шарт. Буларсиз ҳатто синонимик ҳақида гапириб ҳам бўлмайди. Даставвал, мақолга таъриф берсак.

**Мақол**-халқ оғзаки ижоди жанри; қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантиқий тугал маъноли ҳикматли ибора. Муайян ритмик шаклга эга.[1]Хўш мақолларнинг ўзаро синонимлиги қандай кузатилади? Қуйида мақоллар синонимиясини кўриб чиқсак.

1. Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди.

2. Олманинг тагига олма тушади. Бу икки мақолларда айнан бир хил маънони илғаш мумкин, яъни бир хил тоифа одамлар тўғрисида ёки бир одат бошқа авлод вакилига ўтиши тўғрисида сўз юритиляпти. Аммо шу ўринда эътибор бериш керак бўлган жиҳат-бу ўзаро маънодош мақоллар салбий бўёқдорликни намоиш қилмоқда.

Синонимия масаласи тилшуносларнинг доимий диққатини тортиб келган. Сўз лексик-семантик структураси унинг контекстдаги лексик қуршовига, шунингдек, маъно қирралари фаоллашуви даражасига боғлиқлиги нутқда доимий ва зарурий бўлишини, сўз лексик маъноларида парадигматик муносабат семантик нуқтаи назардан текширилганда, сўзларнинг маъно жиҳатдан бир хиллиги – синонимияда ўз аксини топишини тадқиқ этиш масалалари жаҳон ва рус тилшунослиги, туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида кенг ўрганилган.

## REFERENCES

1. Ўз МЕ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил.
2. Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. Л.,1971,365 с.
3. Колосова Е.И. О грамматической синонимии у глаголов книжного характера. Казань, 2007.
4. Хожиев.А Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002-йил.

- 
5. Шаропова.О. Газета тилида лексик-фразеологик синонимларнинг қўлланилиши (Зарафшон газетаси материаллари мисолида), Самарқанд,2015
  6. Баҳодирова.М. “Немис ва ўзбек тилларида фразеологик синонимларнинг грамматик, семантик хусусиятлари”-диссертация,Тошкент,2015
  7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981.